

Сийрат дарслари (207-дарс) Қўл бериб кўришиш



00:00 / 04.12.2022 1891

797. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:
«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди. У зот таҳорат ушатаётган эдилар, саломга алик олмадилар».

Муслим ривоят қилган.

798. Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Анасга: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларида қўл олиб кўришиш бормиди?» дедим. «Ҳа», деди».

Бухорий ривоят қилган.

799. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида икки киши акса урди. Шунда у зот улардан бирига тилак билдирдилар ва бошқасига тилак билдирмадилар. Сўнг у зотга бу ҳақда айтилди. «**Буниси Аллоҳга ҳамд айтди. Униси эса, Аллоҳга ҳамд айтмади**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

800. Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида акса урди. Шунда у зот унга: «**Ярҳамукаллоҳу**», дедилар. У яна бир бор акса урди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бу одам тумовдир**», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан